

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАЮМОВ ДИЛШОД АБДУБАКИЕВИЧ

**ШЎРЛАНГАН ГРУНТЛИ ЙЎЛ ПОЙИ ИШЧИ ҚАТЛАМИНИНГ
ТАКРОРИЙ ЮКЛАМАЛАР ТАЪСИРИДА ҲИСОБИЙ
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.09.02 - Асослар, пойдевор ва ер ости иншоотлари. Кўприklar ва
транспорт тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022 йил

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Каюмов Дилшод Абдубакиевич

Шўрланган грунтли йўл пойи ишчи қатламининг такрорий юкламалар
таъсирида ҳисобий кўрсаткичларини асослаш3

Каюмов Дилшод Абдубакиевич

Обоснование расчетных характеристик засоленных грунтов рабочего слоя
земляного полотна под влиянием подвижных нагрузок23

Kayumov Dilshod Abdubakievich

Substantiation of the calculated characteristics of saline soils of the working layer
of the subgrade under the influence of moving loads43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАЮМОВ ДИЛШОД АБДУБАКИЕВИЧ

**ШЎРЛАНГАН ГРУНТЛИ ЙЎЛ ПОЙИ ИШЧИ ҚАТЛАМИНИНГ
ТАКРОРИЙ ЮКЛАМАЛАР ТАЪСИРИДА ҲИСОБИЙ
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.09.02 - Асослар, пойдевор ва ер ости иншоотлари. Кўприклар ва
транспорт тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тош кент – 2022 йил

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/T1872 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tstu.uz) ва «Ziyouet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Худайкулов Рашидбек Мансуржонович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори,
(PhD), доцент

Расмий оponentлар:

Джаббаров Саидбурхан Тулаганович
техника фанлари доктори, (DSc), профессор

Расулов Рустам Хаятович
техника фанлари доктори, (DSc), доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-қурилиш институти

Диссертация химояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.18/30.12.2019.T.09.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "5" 02 соат 12³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100167, Тошкент, Одилхожаев кўчаси 1-уй. Тел./факс: (998-71) 277-54-87, e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (050 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100167, Тошкент, Одилхожаев кўчаси 1-уй. Тел./факс: (998-71) 277-54-87, e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил "21" 01 кuni тарқатилган.
(2021 йил "17" 12 даги 11 рақамли реестр баённомаси).



А.А. Рискулов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Р.М. Худайкулов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, (PhD), доцент

И.С. Садиков
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда турли муҳандислик иншоотларини, шу қатори автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуришда шўрланган грунтлардан фойдаланиш муаммосига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, муаммони ҳал қилиш билан жаҳоннинг ҳар хил мамлакатлари жумладан, Австралия, АҚШ, Мексика, Миср, Покистон, Россия, Ҳиндистон, Эрон, Қозоғистон, Ўзбекистон каби, шунингдек Европанинг бир қатор давлатларини кўплаб йўлчи мутахассислари шуғулланиб келишмоқда. Ушбу йўналишда транспорт масаласи ривожланган мамлакатларнинг аксариятида автотранспорт воситаси таъсиридаги қисқа вақт кўп марта такрорий юклама остидаги йўл пойи шўрланган грунтларнинг физик-механик ҳоссаларини ўзгариш қонуниятларини ўрганиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳоннинг ҳар хил ривожланган давлатларида тузларни грунтларнинг физик-механик ҳоссаларига таъсирини тадқиқ қилиш, шўрланган грунтларнинг деформация ва механик тавсифларини аниқлаш усулларини такомиллаштириш, шўрланган грунтли автомобиль йўлларининг йўл пойи тавсифларини асослаш каби ишлар билан шуғулланиб, илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Натижада буларни ҳаммаси ўз ўрнида шўрланган грунтларда автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва ундан фойдаланиш бўйича ишончли таклифлар ишлаб чиқиш имконини бермоқда.

Республикамызда қурилиш соҳасида хусусан автомобиль йўлларини қурилишида иқтисодий тежамкорлик ва ишончли технологияларни ишлаб чиқиш шунингдек, амалиётга тадбиқ этиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, бир қанча ижобий натижаларга эришилмоқда. Мамлакатимизда автомобиль транспортини қулай ва хавфсиз ҳаракатланиши учун автомобиль йўлларини асосларини мустаҳкамлаш, шунингдек янги усуллар ва технологияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур масалалар республика ҳудудида шўрланган грунтлар тарқалган ҳудудларда жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган автомобиль йўлларини қурилишини, ҳамда автомобиль йўллари ва йўл пойини таъмирлараро муддатини қисқартириш, таъмирлаш масалалари учун сарф-харажатларни камайтириш, шунингдек иқтисодий тежамкор технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги ПҚ-4035-сонли “Автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасида ишларни ташкил этишнинг илғор хорижий услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида келтирилган автомобиль йўлларининг сифатини ва хизмат кўрсатиш муддатларини оширишни таъминлайдиган, йўл қурилишида қўлланиладиган замонавий инновацион

технологиялар ва материалларни жорий этиш¹, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги ПФ-5890-сонли “Ўзбекистон Республикаси йўл ҳўжалиги тизимини чуқур ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида келтирилган республиканинг географик жойлашувини ҳисобга олган ҳолда замонавий автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбар-дошлигини оширишда, республика транспорт салоҳиятини ривожлантиришда ва экспорт имкониятларини кенгайтиришда биринчи даражали вазифа ҳисобланиши, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Геология-минералогия, сейсмология, сейсмик барқарорлик, гидрометрология, хавфсизлик ва фавқулотда вазиятлар муаммолари» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Ҳозирги вақтда тизимли илмий-тадқиқот ишлари грунтлар таркибидаги тузларни миқдори ва сифатини автомобиль ва темир йўлларининг йўл пойига, шунингдек бино ва иншоотларнинг турғунлигига, уларни физик-механик ҳоссаларига таъсирини ўрганишга йўналтирилган.

Олиб борилган тадқиқотларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, грунтларнинг шўрланиш манбалари, тузларни грунтларнинг физик-механик ҳоссаларига таъсирини ўрганиш бўйича чет эл олимларидан: S. Liu, Qian Nigui, Herve Vallejo Manuel, D.Y. Wang, Shrestha Jagat K., Katti Anand R., G.P. David, МДХ олимларидан Бартоломей И.Л., Карпушко М.О., Киялбаев А.К., Ковда В.А., Грот А.И., Сиденко В.М., Жайсанбаев А.С., Швецов В.А., Болдырев Г.Г., Новичков Г.А., Мельников Р.В., Телтаев Б.Б.; Ўзбекистонлик олимлардан Агзамова И.А., Бабаханов П.Б., Мавлонов Г.А., Косимов С.М., Ступакова Л.Ф., Қаландаров Т.Х., Каюмов А.Д., Худайкулов Р.М. ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Ҳозирги вақтда автомобиль йўлларини бикр ва нобикр йўл тўшамаларини лойиҳалашда, амалдаги МКН 44-2008 ва МКН 46-2008 каби меъёрий ҳужжатларда шўрланган грунтли автомобиль йўлларида йўл тўшамаларини лойиҳалашда кўп маротаба қисқа вақт такрорланувчи юкламаларни грунтларнинг механик ва деформацион кўрсаткичларига таъсири ҳисобга олинмайди. Шунингдек амалдаги тадқиқотларни таҳлили шуни кўрсатадики, кўп марта қисқа вақт такрорланувчи юкламаларни таъсирида йўл пойи шўрланган грунтларнинг физик-механик ҳоссаларини ўзгариш қонуниятлари устида илмий тадқиқот изланишлари олиб борилиши

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги ПҚ-4035-сонли “Автомобиль йўлларини куриш ва улардан фойдаланиш соҳасида ишларни ташкил этишнинг илғор хорижий услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори

лозим, бугунги кунда мазкур масала юзасидан ишончли таклифлар ишлаб чиқилмаган ва етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат транспорт университетида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тасарруфидаги Автомобиль йўллари кўмитасига қарашли “Автомобиль йўллари илмий тадқиқот институти” илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2013-2018 йиллардаги ИҚН 84-13 “Ўзбекистоннинг турли регионларида автомобиль йўллари грунтларининг зичлик нормалари бўйича йўриқнома, ИҚН 121-17 “Юқори намликдаги грунтлардан автомобиль йўллариининг пойини қуриш бўйича йўриқнома”, 2018 йилда ишлаб чиқилган МШН 29-2007 “Автомобиль йўллари кўтармаларининг зичланганлик даражасини назорат қилишнинг технологик қоидалари” га ўзгартириш ва қўшимча №2 мавзусидаги меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қисқа вақт кўп маротаба такрорланувчи юкламалар таъсири остида ишловчи, йўл пойи кўтармалари ишчи қатламидаги шўрланган грунтларни ҳисобий кўрсаткичларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қисқа вақт кўп маротаба такрорланувчи юкламалар таъсирида ишловчи йўл пойи кўтармалари ишчи қатламидаги шўрланган грунтларнинг физик-механик хоссаларини асослаш учун мавжуд ечимларни такомиллаштириш;

лаборатория шароитида йўл пойи ишчи қатламидаги шўрланган грунтларни ҳисобий кўрсаткичларини аниқлашдан келиб чиқиб, қисқа вақт кўп маротаба таъсир қилувчи юкламаларни турли хил намлик ва зичликдаги шўрланган грунтларнинг физик-механик хоссаларига таъсирини аниқлаш;

мавжуд автомобиль йўлларида дала шароитида қисқа вақт кўп маротаба юкламаларни таъсирини ҳисобга олиб йўл пойи кўтармалари ишчи қатламидаги шўрланган грунтларни ҳисобий кўрсаткичларини аниқлаш;

қисқа вақт кўп маротаба такрорланувчи юкламалар таъсири остида ишловчи йўл пойи ишчи қатламидаги шўрланган грунтларни аниқланган ҳисобий кўрсаткичларидан амалда фойдаланишда олинадиган иқтисодий самарадорликни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, шўрланган грунтлар тарқалган туманлардан ўтувчи автомобиль йўллари танлаб олинган.

Тадқиқот предмети автомобиль йўллариининг йўл пойидаги шўрланган грунтларга такроран ва қисқа вақт юкламалар таъсиридаги уларнинг физик-механик хоссалари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ўтказиш жараёнида шўрланган грунтларнинг зичлик ва намлик нормалари ўрганилди, шунингдек лаборатория ва дала шароитида тажриба участкаларида шўрланган грунтларнинг физик-механик хоссалари аниқланди. Натижаларни қайта ишлашда математик статистика усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

йўл пойи ишчи қатламидаги шўрланган грунтларга юклама қисқа вақт кўп маротаба такроран таъсир қилганда, уларнинг физик-механик ҳоссаларини аниқлаш учун амалдаги тузилмавий ечим такомиллаштирилган;

автомобиль йўллари пойидаги шўрланган грунтларга қисқа вақт кўп маротаба юклама такроран таъсир қилиши натижасида уларнинг физик-механик ҳоссаларини ўзгариш қонуниятлари аниқланган;

транспорт воситалари таъсирида йўл пойидаги шўрланган грунтларга юклама қисқа вақт такроран таъсир қилиши натижасида уларни ҳисобий кўрсаткичларининг қийматлари юкломани таъсир сонига боғлиқ равишда камайиши аниқланган;

шўрланган грунтли йўл пойига кўп маротаба қисқа вақт юкломалар такроран таъсир қилиши натижасида грунтларнинг физик-механик кўрсаткичлари орасидаги ўзаро экспериментал боғлиқликлари аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дала ва лаборатория шароитида йўл пойи ишчи қатламидаги шўрланган грунтларга юклама қисқа вақт кўп марта такроран таъсир қилганда, уларнинг амалдаги ҳисобий кўрсаткичларини аниқлаш усуллари такомиллаштирилган;

йўл пойи ишчи қатламидаги шўрланган грунтларни ишлаш шароитига боғлиқ равишда юкломанинг кўп маротаба қисқа вақт таъсир сонини ҳисобга олиб йўл кўтармаларининг мустаҳкамлик ва деформацион кўрсаткичларини белгилаш асосида ишончли таклифлар ишлаб чиқилган;

диссертация тадқиқотида келтирилган шўрланган грунтларни мустаҳкамлик ва деформацион тавсифлари асосида ишлаб чиқилган ишончли таклифларни амалда қўллаш орқали автомобиль йўллари хизмат муддати 30-35 % га узайтирилган;

шўрланган грунтлар тарқалган ҳудудларда нобикр йўл тўшамаларини лойиҳалашда юкломани қисқа вақт кўп маротаба такроран таъсир қилишини ҳисобга олиб тадқиқот таклифларидан фойдаланилганда 27,5 % иқтисодий самарадорликга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган илмий ва амалий тадқиқотлар “Грунтшунослик” ва “Грунтлар механикаси”, шунингдек “Автомобиль йўллари қидирув ва лойиҳалаш” фанларининг тартиб қоидаларига асосланганлиги, дала ва лаборатория шароитларида ўтказилган тажриба тадқиқот ишларида замонавий асбоб-ускуна ҳамда жихозлар қўлланилганлиги, назарий жиҳатдан қўлга киритилган натижаларни амалиётда жорий этилганлиги ва адекватлиги, олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган тузилмавий ечим ва кўп маротаба қисқа вақт такрорланувчи юклама, шунингдек, шўрланган грунтларнинг физик-механик кўрсаткичлари орасидаги функционал аналитик боғлиқликлар билан асосланади шунингдек, йўл кўтармасидаги шўрланган грунтларининг зичлик ва намлик нормалари, шўрланиш даражаси ва йўл кўтармаси тузилмасини ҳисоблаш назариясини такомиллаштирилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шўрланган грунтларнинг кўп маротаба қисқа вақт таъсир қилувчи юкламалар тасири остидаги ҳисобий кўрсаткичларини ҳисобга олиб йўл тўшамасининг тузилмасини белгилаш тўшаманинг хизмат муддатини узайтиришга олиб келишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шўрланган грунтли йўл пойи ишчи қатламининг такрорий юкламалар таъсирида аниқланган ҳисобий кўрсаткичлари асосида:

автомобиль йўл пойи кўтармаси турғунлигини ҳисоблашда ҳисобий кўрсаткичларини грунтларнинг намлиги ва зичлаштириш коэффициентига боғлиқлигининг аналитик ифодалари “Автомобиль йўллари илмий тадқиқот институти” томонидан ишлаб чиқилган ИҚН 84-13 (идоравий қурилиш нормалари) “Ўзбекистонни турли регионларида автомобиль йўллари грунтларини зичлик нормалари бўйича йўриқнома”, ИҚН 121-17 (идоравий қурилиш нормалари) “Юқори намликдаги грунтлардан автомобиль йўллари пойини қуриш бўйича йўриқнома”, МШН 29-2007 (муассасавий қурилиш нормалари) “Автомобиль йўллари кўтармаларининг зичланганлик даражасини назорат қилишнинг технологик қоидалари” га ўзгартириш ва қўшимча №2 каби соҳа меъёрий ҳужжатларига жорий қилинган (Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари Қўмитаси тасарруфидаги Автомобиль йўллари илмий тадқиқот институти унитар корхонаси томонидан 08 ноябрь 2021 йилдаги №10/3-809 сонли маълумотномаси). Натижада ҳисоб ишлари асосида автомобиль йўл пойи кўтармасининг устуворлигини оширишга эришилган;

нобикр турдаги автомобиль йўллари йўл тўшамаси тузилмасини диссертация иши натижаларида олинган шўрланган грунтларнинг ҳисобий кўрсаткичларидан фойдаланиб лойиҳаланганда йўл тўшамасининг хизмат муддатини узайишига, таъмирлаш ва сақлаш жараёнларида меҳнат сарфини камайишига, қурилиш сарф харажатларини тежалиши натижасида 1 км узунликдаги автомобиль йўли учун 185 млн. сўм иқтисодий самарадорликга эришилган (Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари Қўмитаси берилган 17 ноябрь 2021 йилдаги №02/4469-6578 сонли маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп қилинган бўлиб, шулардан 2 та “Scopus” базасига кирган нашрларда, 5 та нуфузли хорижий илмий журналларда, 5 та ОАК тавсия этган журналларда, 3 та мақола халқаро ва республика илмий амалий анжуманларга оид тўпламларда нашр этилган. Республика миқёсидаги 3 та меъёрий ҳужжатни тайёрлашда фойдаланилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Муаммонинг ҳолати ва тадқиқотнинг вазифалари”** деб номланган биринчи бобида асосан шўрланган грунтлар таркибида тузларнинг миқдори, шўрланган грунтлар ҳосил бўлишининг асосий омиллари, грунтлардаги тузларнинг ҳоссалари ва муҳандислик иншоотлари мустаҳкамлигига таъсири, шўрланган грунтларнинг турлари, шўрланиш даражалари, автомобиль йўлларини қуришда шўрланган грунтларнинг яроқлилиги, шўрланган туманларда йўл пойининг турғунлигини ўрганиш бўйича ишланмалар, транспорт воситаларидан автомобиль йўлига тушувчи юкламани қисқа вақт кўп марта таъсирида грунт ҳолатини ўзгариши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Шўрланган грунтлар ҳосил бўлишининг асосий омиллари ер юзасига яқин ётган минераллашган грунт сувлари ва тузли тоғ жинсларидир. Жойларда сув оқшининг имкони йўқлиги ва буғланиш жараёни ёғингарчилик миқдоридан кўп бўлиши шўрланишнинг асосий шартини ҳисобланади. Шунинг учун шўрланган грунтлар сув оқмайдиган текисликларда, чўл ва чўл-адир ва адирли ҳудудларда учрайди.

Ўзбекистоннинг табиий шароитида ҳар хил миқдорли ва сифатли шўрланган грунтлар учрайди. Шўрланишда иштирок этувчи энг кўп тарқалган тузлар қуйидагилардир: NaCl , $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$, $\text{MgSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$, $\text{MgCl}_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$, $\text{CaCl}_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$, NaHCO_3 , $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$, CaCO_3 ва $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$.

Йўл пойи грунтларида, тузларнинг рухсат берилган миқдори, уларнинг қулай намликда зичлаштирилган грунт ғовақларини тўлдирувчи сувда эриши мумкин бўлган миқдори билан аниқланади ва шўрланган грунтларнинг шўрланиш даражаси ва йўл пойида ишлатишга яроқлилиги бўйича тавсифланади.

Таъкидлаш жоизки, кучли шўрланган грунтлардан йўл пойини қуришда, қўшимча тадбирлар сифатида, юқори қатлами кейинчалик шўрланмаслиги учун кўтарма баландлигини ошириш, ҳимоя қатламчаларини қуриш, грунт сувлари сатҳини пасайтириш билан амалга оширилади. Ўта кучли шўрланган грунтларнинг манфий таъсирини ҳар-хил кимёвий бирикмаларни қўшиш йўли билан нейтраллаштирилади.

Йўл пойи ишчи қатлами (фаол қатлам) қисқа вақт кўп марта таъсир қилувчи юкламалар, шунингдек йўл пойининг сув-иссиқлик тартиби таъсирида бўлади. Йўл пойининг сув-иссиқлик тартибини йўл кўтармаси

мустаҳкамлигига таъсирини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон шароитида, суғориладиган ҳудудларда ишчи қатламнинг асосий намланиш манбалари суғориш ишлари ва ер ости сувларининг тартиби билан маҳкам боғлиқ деган хулосага олиб келади.


Кўп маротаба такрорланувчи юклама билан грунтларни деформацияланиш қонуниятларига грунтнинг ҳоссаи ва ҳолатидан ташқари юкламани қўйилиш тартиби ҳам таъсир қилади.

Таъкидланганлардан қисқа вақт кўп маротаба такрорланувчи юкламанинг таъсири грунтларда жуда мураккаб (юкни статик таъсирига нисбатан) ўзгаришларни олиб келади. Грунтга кўп маротаба юклама қўйиш натижасида грунтларда ҳосил бўладиган жараёнлар тавсифи жуда кўп омилларга боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, автомобиль йўллариининг йўл пойини лойиҳалаш муаммоларига оид олиб борилган илмий тадқиқотлар, меъёрий ҳужжатларнинг таҳлили, йўл пойи шўрланган грунтларнинг ҳисобий кўрсаткичлари, хусусан кўп марта ва қисқа вақтли юкламалар таъсирида мустаҳкамлик ва деформация ҳоссаларини ўзгариши керакли даражада ўрганилмаганини кўрсатади.

Диссертациянинг **“Грунтларга кўп маротаба ва қисқа вақт юклама таъсир қилганда қолдиқ деформацияни ҳосил бўлиш шароити ва ривожланишини баҳолашга назарий ёндашувлар”** деб номланган иккинчи бобида шўрланган грунтли йўл кўтармаларининг ҳисобий кўрсаткичларини белгилаш бўйича тузилмавий ечим, шўрланган грунтларнинг мустаҳкамлик ва деформация кўрсаткичлари грунтнинг ҳоссалари ҳамда юкламанинг ҳолатига боғлиқлиги, грунтларга кўп марта ва қисқа вақт юклама таъсир қилганда қолдиқ деформацияни ҳосил бўлиш шароити ва ривожланишини баҳолашга назарий ёндашувлар, ўрганишлар келтирилган.

Шўрланган грунтлар тарқалган ҳудудларда йўл пойи ишчи қатламини кўп маротаба қисқа вақт такрорланувчи юклама таъсирида ишлаши жараёнини таҳлили натижасида шўрланган грунтларнинг механик кўрсаткичлари ва уларни ўзаро боғлиқлигини тавсифловчи чизма (1-расм) шакллантирилди.



1-расм. Шўрланган грунтдан иборат йўл пойининг кўндаланг кесим чизмаси

P – йўл тўшамасига автомобилдан тушувчи юк; Z_{ϕ} – фаол қатлам, м; $ГСС$ – грунт суви сатҳи, м; E – эластиклик модули, МПа; φ – ички ишқаланиш

бурчаги, град; С-боғланиш кучи, МПа; K_3 – йўл пойидаги грунтнинг зичлигини тавсифловчи зичланиш коэффициентини; W_{xuc} –синов вақтидаги грунтларнинг ҳисобий намлиги; I –шўрланиш тури; A -шўрланиш миқдори; N_p –қопламага транспорт воситаларидан кўп марта ва қисқа вақт таъсир қилувчи юкларнинг таъсир сони.

1-расмда келтирилган йўл пойи кўндаланг кесимининг чизмасини таҳлили йўл тўшамасини лойихалашда фойдаланиладиган, унинг остидаги шўрланган грунтларнинг мустаҳкамлиги, шунингдек деформация кўрсаткичлари уларнинг зичлиги, намлиги, шўрланиш миқдори ва турига ҳамда транспортдан тушаётган юкларнинг ҳолатига боғлиқ бўлишини кўрсатади. Бу боғлиқликни қуйидаги функционал боғланиш орқали ифодалаш мумкин, яъни:

$$\left. \begin{aligned} E &= f_1(K_3, W_{xuc}, I, A, N_p); \\ C &= f_2(K_3, W_{xuc}, I, A, N_p); \\ \varphi &= f_3(K_3, W_{xuc}, I, A, N_p), \end{aligned} \right\} \quad (1)$$

Диссертация ишида қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, (1) ифодада келтирилган K_3 , W_{xuc} , I , A ва N_p ларнинг қийматларини алоҳида ва биргалликда мустаҳкамлик кўрсаткичлари C , φ ва деформацион кўрсаткич E га таъсирини ўрганиш керак бўлади.

“Грунтшунослик” ва “Грунтлар механикаси”га оид адабиётларни таҳлили қисқа вақт кўп мартаба такрорланувчи юклама таъсири остида грунтларнинг ҳолатини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин эканлигини кўрсатади:

-йиғилиш порогидан кичик бўлган уринма кучланиш таъсирида амалда қолдиқ деформация йиғилмайди;

-йиғилиш порогидан катта, аммо қандайдир қийматдан кичик бўлган уринма кучланишда маълум қонунга асосан юк қўйиш сонини ортиши билан қолдиқ деформациянинг йиғилиши бошланади;

- кўп мартаба юк қўйилишида, уринма кучланиш мустаҳкамликдан катта бўлса йиғилиш жадаллиги тез ўсади, бу грунтнинг аста-секин бузилишидан дарак беради.

Қисқа вақт кўп мартаба юкларнинг таъсири остида қолдиқ деформациясини ҳосил бўлиши ва йиғилишини қуйидагича тушинтириш мумкин:

Юклама таъсирида грунт таркибидаги иккита элементлар орасида параллел жойлашган қаттиқ ва қовушқоқ боғлиқликлар ҳаракатга келади. Шўрланган грунтларда қаттиқ боғлиқлик сифатида минерал заррачалар ва туз кристалларидан иборат грунт скелети, шунингдек грунт зарралари юзасига адсорбланишган кучли модифицирланган боғланган сувларнинг пленкаси кўрилади, қовушқоқ боғлиқлик сифатида – ғоваклик сувлари ва боғланган сувнинг пленкаси кўрилади. Қаттиқ боғлиқликни хоссалари вақт омилига боғлиқ эмас, қовушқоқ боғлиқликни хоссалари эса боғлиқ бўлади.

Агар грунтга таъсир қилувчи юк қаттиқ боғлиқликнинг қаршилигидан ортиб кетмаса, унда грунтда деформация кузатилмайди. Агар грунтга қўйилган юк элементдаги қаттиқ боғлиқликнинг ишқаланиш қаршилигидан ортиб кетса, унда уни сурилиши юз беради. Натижада тизимнинг қаршилиги камайиши мумкин ва бу қовушқоқ боғлиқликда қайтмас деформацияни келтириб чиқаради. Нормал юкни ортиши сабабли қаттиқ боғлиқликни қаршилиги ошмагунча унда деформация давом этади.


Бир маротаба юклама қўйилишида қовушқоқ боғлиқликдаги қайтмас деформация жуда кам бўлади. Юкни кўп маротаба қўйилиши деформациясини йиғилишига олиб келади.

Таклиф қилинган назарий тушунча йўл пойидаги шўрланган грунтларда қандайдир кучланганлик ҳолатгача қолдиқ деформация ҳосил бўлмаслигини, агар, кучланиш қаттиқ боғлиқликдаги унинг ҳосил бўлган қаршилигидан катта бўлса, унда ҳар бир юклама қўйилишида қолдиқ деформацияси (қовушқоқ боғлиқликда орқага қайтмас деформация ҳисобига) ҳосил бўлишини ва у қисқа вақт давом этувчи юкламанинг таъсир сонини ортиши билан йиғилиб боришини аниқ кўрсатади.


Диссертациянинг **“Шўрланган грунтларнинг экспериментал тадқиқотларини усуллари”** деб номланувчи учинчи бобида шўрланган грунтларга қисқа вақт кўп маротаба юклама қўйиш учун ишлаб чиқилган асбобнинг тузилиши, шўрланган грунтларни тажриба учун тайёрлаш, экспериментларни режалаштириш, статик юклама остида шўрланган грунтларнинг ҳисобий кўрсаткичларини аниқлаш, дала ва лаборатория шароитида юкламани қисқа вақт кўп маротаба таъсири остида шўрланган грунтларни синаш ва уларнинг натижалари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Грунтларга қисқа вақт ва кўп маротаба юк қўйиш учун махсус асбоб ишлаб чиқилган. Бу асбобнинг асоси сифатида грунтларни сурилишга қаршилигини аниқлашда ишлатиладиган ГПП-30 (Маслов-Лурье тузилмаси) асбобидан фойдаланилди (2-расм).

Юкламани юкланиш схемаси (3-расм) қуйидаги участкалардан иборат: ab – вертикал кучланишни ўсиш вақти, bc – максимал вертикал кучланишни таъсир вақти – t_n , cd – вертикал кучланишни камайиш вақти. da' – кучланишлар орасидаги интервал вақти - $t_{инт}$.



2-расм. Юклама кўп марта қисқа вақт таъсир қилувчи ГП-30 асбобни умумий кўриниши



3-расм. Юкламани юкланиш схемаси


Кўп маротаба қисқа вақт такрорланувчи юк таъсирида шўрланган грунтлар устида олиб борилган тажрибалар Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг «Гидрогеология ва муҳандислик геологияси» кафедрасининг “Геотехнология” лабораториясида ва “Автомобиль йўллари илмий тадқиқот институти”нинг махсус йўл лабораториясида бажарилди. Грунтларнинг кимёвий таркиби “ГИДРОИНГЕО” ДК ва “O'ZGASHKLITI” DUKдаги кимёвий лабораторияда аниқланди.

Лаборатория шароитида сульфат ва хлорид-сульфатли ўртача шўрланган оғир чангли супесли грунтдан юқорида келтирилган усул билан намлиги $W=W_{кул}$ ва зичлаштириш коэффициенти 0,94; 0,96; 0,98; 1,00 бўлган намуна тайёрланди, кейин уларни арритир ёрдамида $0,55W_{ок} \div 0,75W_{ок}$ намликкача намланди. Намуналарга кўп маротаба қисқа вақт таъсир қилувчи юклама кўйишдан олдин, яъни статик юк остида $N=0$ да уларни ҳисобий тавсифлари: боғланиш кучи C (4-расм), ички ишқаланиш бурчаги φ (5-расм) ва эластиклик модули E (6-расм) аниқланди.


Кўп маротаба қисқа вақт таъсир қилувчи юкламани сульфат ва хлорид-сульфатли ўртача шўрланган енгил чангли супесни 1-жадвалда келтирилган хоссаларига таъсири уларни ўрганиш учун ишлаб чиқарилган ГОСТларга мос равишда ўрганилиб, ўртача қийматлари аниқланди.

1-жадвалда келтирилган шўрланган грунтларнинг физик-механик хоссаларини, зичлаштириш коэффициенти $K_3=0,97$ бўлганда, қисқа вақт ва кўп


марта такрорланувчи юкламанинг таъсир сонига боғлиқлигини қуйида келтирилган графиклар билан ифодалаш мумкин.



4-расм. Шўрланган грунтнинг боғланиш кучини зичлаштириш коэффициентини ва намликка боғлиқлиги: N=0; 1-0,55 W_{ок}; 2-0,60 W_{ок}; 3-0,65 W_{ок}; 4-0,7W_{ок}



5-расм. Шўрланган грунтнинг ички ишқаланиш бурчагини зичлаштириш коэффициентини ва намликка боғлиқлиги: N=0; 1-0,55 W_{ок}; 2-0,60 W_{ок}; 3-0,65 W_{ок}; 4-0,7 W_{ок}



6-расм. Шўрланган грунтнинг эластиклик модулини зичлаштириш коэффициенти ва намликка боғлиқлиги:
 $N=0$; 1- $0,55 W_{ок}$; 2- $0,60 W_{ок}$; 3- $0,65 W_{ок}$; 4- $0,7 W_{ок}$

1-жадвал

Юкламани сульфат ва хлорид-сульфатли ўртача шўрланган оғир чангли супеснинг хоссаларига таъсири

Грунт хоссалари	Қисқа вақт ва кўп марта такрорланувчи юкламанинг таъсир сони $\sum N_p$ бўлганда							
	0	1	10^1	10^2	10^3	10^4	10^5	10^6
Нисбий кўпчиш, Δh , %	1,4	1,4	1,5	1,6	1,7	1,75	1,78	1,8
Кўпчиш босими, R_k , МПа	0,022	0,022	0,023	0,023 5	0,024	0,0245	0,0258	0,025
Фильтрация коэффициенти, K_f , 10^{-4} м/сут	3,0	3,0	3,5	3,9	4,2	4,5	4,7	5,0
Бўкиш $R_{бўк}$, мин	16	16	15	14	13	12,7	12,3	12
Ультратовушнинг ўтиш тезлиги v , м/мкс $\cdot 10^{-2}$	0,043	0,043	0,043	0,043	0,435	0,0437	0,0439	0,044
Эзишда мустаҳкамлик чегараси $R_{эз}$, МПа	18,5	18,5	18,0	17,5	17,0	16,5	16,3	16,0
Динамик қовишқоқлик коэффициенти, $\eta \cdot 10^9$, Па \cdot с	2,8	2,8	2,7	2,6	2,5	2,3	2,5	2,2

$$\Delta h = \Delta h_0(1+0,2052\ln N_p), \% \quad (2)$$

$$P_k = P_{k,0}(1+0,009\ln N_p), \text{ МПа} \quad (3)$$

$$K_\phi = K_{\phi,0} (1+0,0443\ln N_p), 10^{-4} \text{ м/сут} \quad (4)$$

$$R_{\text{бўк.}} = R_{\text{бўк.0}}(1-0,018\ln N_p), \text{ мин.} \quad (5)$$

$$v = v_0(1+0,0021\ln N_p), \text{ м/мкс} \cdot 10^{-2} \quad (6)$$

$$R_{\text{эз.}} = R_{\text{эз.0}}(1-0,01\ln N_p), \text{ МПа} \quad (7)$$

$$\eta = \eta_0(1-0,014 \ln N_p), \text{ Па} \cdot \text{с} \quad (8)$$

буерда: $\Delta h_0=1,4425 \%$; $P_{k,0}=0,0223 \text{ МПа}$; $K_{\phi,0}=3,15 \cdot 10^{-4} \text{ м/сут}$; $R_{\text{бўк.0}}=15,575 \text{ мин.}$; $v_0=0,0429 \text{ м/мкс} \cdot 10^{-2}$; $R_{\text{эз.0}}=18,389 \text{ МПа}$; $\eta_0=2,78 \text{ Па} \cdot \text{с}$.

Шўрланган грунтларнинг хоссаларини кўп маротаба ва қисқа вақт таъсир қилувчи юклама остида ўзгаришини ўрганиш бўйича ўтказилган тажриба натижаларини математик йўл билан қайта ишланди. Бунда вариация коэффициенти, аниқлик кўрсаткичи ва корреляция коэффицентлари аниқланди.

Ҳисобланган корреляция коэффицентлари шўрланган грунтнинг ҳамма хоссалари учун $R > 0,85$ бўлишини кўрсатади, яъни грунт хоссалари ва кўп маротаба қисқа вақт такрорланувчи юклама орасида узвий боғлиқлик мавжуд.

Кўп маротаба такрорланувчи юклама билан шўрланган грунтларни синаш натижасида олинган натижаларни қайта ишлангандан сўнг ҳар бир юклама учун нисбий қолдиқ деформацияни $U_{\text{кол}}^N$ юклама қўйилиш миқдорига ($\lg N$) боғлиқлик графиги чизилди. 7-расмларда, мисол сифатида намунани намлиги $W=0,6W_{\text{ок}}$, зичлаштириш коэффициенти 1,0, $f=1\text{ Гц}$ бўлганда ҳар хил такрорланувчи вертикал юк қийматида шўрланган грунтни синаш натижалари келтирилган.


Намунага қўйилган қисқа вақт таъсир қилувчи юкнинг миқдори ва шўрланган грунтнинг ҳолатига қараб “қолдиқ деформация” эгриси аввал ўсувчи ва кейин сўнувчи эгрилардан иборат бўлади.

Қолдиқ деформациясининг йиғиндисини қисқа вақтли юк қўйилиш миқдорига боғлиқлигини энг кичик квадратлар усули билан аниқланди ва у қуйидаги кўринишга эга:

$$U_{\text{кол}}^{(N)} = U_{\text{кол}}^1 + \alpha \lg N \quad (9)$$

бу ерда $U_{\text{кол}}^{(N)}$ - N қўйилиш миқдоридан кейинги нисбий қолдиқ деформация; $U_{\text{кол}}^1$ - бир маротаба юк қўйилгандан кейинги нисбий қолдиқ деформация; α – қолдиқ деформациянинг йиғилиш жадаллигини акс эттирувчи коэффицент.

Қолдиқ деформациянинг йиғилиш жадаллигини акс эттирувчи коэффицент вертикал юк ва унинг таъсир сонининг ортиши билан ортиб боради.



7-расм. Шўрланган грунтларни қолдик деформациясини вертикал юкга ва қисқа вақтли юкламанинг қўйилиш сонига боғлиқлиги: $W=0,60W_{ок}$; $\gamma_{ск}=1,77$ г/см³; $f=1$ Гц; 1- $N=10^2$; 2- $N=10^3$; 3- $N=10^4$; 4- $N=10^5$; 5- $N=10^6$

Дала шароитидаги тадқиқотларнинг асосий вазифаси лаборатория тадқиқотларининг натижаларини тасдиқлашдан иборатдир. Дала шароитида тадқиқотлар Сирдарё вилоятидаги давлат аҳамиятига эга бўлган II тоифадаги 4P25-“А373 автойўли - Сайхун қ. - Бахт ш. - Қозоғистон Республикаси чегараси” автомобиль йўлининг 43-45 км да ва Жиззах вилоятидаги маҳаллий аҳамиятга эга бўлган IV тоифадаги 4K261-“4P38 автойўли-Қозоғистон Республикаси чегараси” автомобиль йўлининг 3-5 км да амалга оширилди.

Тажриба участкаси ва мавжуд автомобиль йўллариининг йўл пойининг шўрланган грунтларини ички ишқаланиш бурчаги φ ва боғланиш кучи C нинг қийматлари бир текислик бўйича айлангириб кескич асбоби ёрдамида аниқланди. Зичланган грунтларни эластиклик модули E ни аниқлашда ПДУ МГ-4 асбобидан фойдаланилди. Лаборатория ва дала шароитида ўтказилган тажрибаларнинг натижаларини умумлаширилган қийматлари 2-жадвалда келтирилган.

Сульфат ва хлорид-сульфатли ўртача шўрланган супесли грунтлар тарқалган ҳудудларда йўл тўшамасининг тузилмасини лойиҳалашда 2-жадвалда келтирилган йўл пойи шўрланган грунтларининг ҳисобий кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин. Лекин бу жадвалдан фойдаланиш ноқулай ҳисобланади. Чунки уларда ҳисобий кўрсаткичларнинг қийматлари зичланиш коэффициентлари ($K_3=0,94-1,00$), намлик ($W_x=0,55-0,70W_{ок}$) ва кўп марта ва қисқа вақт такрорланувчи юкламанинг таъсир сонлари ($N_p=1, 10^1, 10^2, 10^3, 10^4, 10^5, 10^6$) дискрет бўлганда берилган. Йўл тўшамасини лойиҳалашда кўп ҳолларда K_3 , W_x ва N_p ларни оралиқ қийматларида ҳисобий

**Кўп маротаба қисқа вақт таъсир қилувчи юклама таъсири остидаги
сульфат ва хлорид-сульфатли ўртача шўрланган супесли грунтларнинг
мустаҳкамлик ва деформация тавсифлари**

Намлик , W/W _{ок}	Зичлаш -тириш коэффи - циенти, K _з	Юк кўп маротаба ва қисқа вақт таъсир қилгандаги грунтларнинг мустаҳкамлик ва деформацион тавсифлари, ΣN_p						
		1-стат	10 ¹	10 ²	10 ³	10 ⁴	10 ⁵	10 ⁶
0,55	0,94	<u>27/62</u> 0,028	<u>26/61</u> 0,027	<u>25/60</u> 0,026	<u>24/59</u> 0,025	<u>23,2/58</u> 0,024	<u>21,8/56</u> 0,023	<u>21/55</u> 0,022
	0,96	<u>27/67</u> 0,036	<u>26/66</u> 0,035	<u>25/65</u> 0,033	<u>24/64</u> 0,032	<u>23,2/63</u> 0,030	<u>21,8/61</u> 0,028	<u>21/60</u> 0,026
	0,98	<u>27/74</u> 0,044	<u>26/73</u> 0,042	<u>25/72</u> 0,040	<u>24/71</u> 0,038	<u>23,2/70</u> 0,036	<u>21,8/68</u> 0,035	<u>21/67</u> 0,034
	1,00	<u>27/80</u> 0,054	<u>26/79</u> 0,052	<u>25/78</u> 0,050	<u>24/77</u> 0,048	<u>23,2/76</u> 0,046	<u>21,8/74</u> 0,044	<u>21/73</u> 0,042
0,60	0,94	<u>23/49</u> 0,019	<u>22,2/45</u> 0,018	<u>21,4/42</u> 0,017	<u>20,7/41</u> 0,016	<u>20/40</u> 0,016	<u>19,3/38</u> 0,015	<u>19/37</u> 0,015
	0,96	<u>23/52</u> 0,027	<u>22,2/49</u> 0,026	<u>21,4/47</u> 0,024	<u>20,7/46</u> 0,023	<u>20/45</u> 0,022	<u>19,3/43</u> 0,020	<u>19/42</u> 0,018
	0,98	<u>23/56</u> 0,036	<u>22,2/55</u> 0,034	<u>21,4/54</u> 0,033	<u>20,7/53</u> 0,031	<u>20/52</u> 0,030	<u>19,3/50</u> 0,028	<u>19/49</u> 0,026
	1,00	<u>23/62</u> 0,043	<u>22,2/61</u> 0,041	<u>21,4/60</u> 0,039	<u>20,7/59</u> 0,038	<u>20/58</u> 0,037	<u>19/56</u> 0,036	<u>19/55</u> 0,034
0,65	0,94	<u>21/42</u> 0,016	<u>20/40</u> 0,014	<u>19/38</u> 0,013	<u>18/36</u> 0,012	<u>18/35</u> 0,011	<u>17,5/34</u> 0,010	<u>17,5/33</u> 0,010
	0,96	<u>21/46</u> 0,024	<u>20/44</u> 0,022	<u>19/42</u> 0,020	<u>18/40</u> 0,018	<u>18/39</u> 0,017	<u>17,5/38</u> 0,016	<u>17,5/37</u> 0,015
	0,98	<u>21/50</u> 0,032	<u>20/48</u> 0,030	<u>19/46</u> 0,028	<u>18/44</u> 0,026	<u>18/40</u> 0,024	<u>17,5/40</u> 0,023	<u>17,5/39</u> 0,022
	1,00	<u>21/54</u> 0,040	<u>20/50</u> 0,038	<u>19/49</u> 0,036	<u>18/48</u> 0,034	<u>18/44</u> 0,032	<u>17,5/42</u> 0,031	<u>17,5/41</u> 0,030
0,70	0,94	<u>19/35</u> 0,014	<u>19,5/33</u> 0,012	<u>18,5/31</u> 0,011	<u>18/29</u> 0,010	<u>18/28</u> 0,010	<u>17/27</u> 0,009	<u>17/26</u> 0,008
	0,96	<u>19/39</u> 0,022	<u>19,5/37</u> 0,020	<u>18,5/35</u> 0,018	<u>18/33</u> 0,016	<u>18/32</u> 0,014	<u>17/31</u> 0,013	<u>17/30</u> 0,011
	0,98	<u>19/43</u> 0,030	<u>19,5/41</u> 0,028	<u>18,5/39</u> 0,026	<u>18/37</u> 0,024	<u>18/36</u> 0,022	<u>17/34</u> 0,020	<u>17/33</u> 0,019
	1,00	<u>19/47</u> 0,037	<u>19,5/45</u> 0,035	<u>18,5/43</u> 0,033	<u>18/41</u> 0,032	<u>18/40</u> 0,031	<u>17/38</u> 0,030	<u>17/37</u> 0,028

Изох: суратда: чапда ички ишқаланиш бурчаги, град.; ўнгда – эластиклик модули, МПа; махражда – боғланиш кучи, МПа.

кўрсаткичларнинг қийматларини аниқлаш керак бўлади. Шунинг учун ҳисобий кўрсаткичларнинг оралиқ қийматларини куйида келтирилган омилларга боғлиқлик ҳолда аниқ белгилаш имконини берувчи аналитик ифодалар олишга ҳаракат қилинди.

Натижада сульфат ва хлорид-сульфатли ўртача шўрланган супесли грунтларнинг ҳисобий кўрсаткичларини K_3 , W_x ва N_p ларга боғлиқлигини кўрсатувчи куйидаги ифодалар олинди.

Боғланиш кучини аниқлаш учун:

$$C = C_0(1 - 0,016 \ln N_p) - \Delta C_w^I (W_{\text{хис}} - 0,725 W_{\text{хис}}^2 - 0,330) + \Delta C_{K_3}^I (K_3^2 - 1,596 K_3 + 0,616), \text{ МПа} \quad (10)$$

Ички ишқаланиш бурчагини аниқлаш учун:

$$\varphi = \varphi_0(1 - 0,016 \ln N_p) - \Delta \varphi_w^I (W_{\text{хис}} - 0,662 W_{\text{хис}}^2 - 0,349), \text{ град} \quad (11)$$

Эластиклик модулини аниқлаш учун:

$$E = E_0(1 - 0,008 \ln N_p) - \Delta E_w^I (W_{\text{хис}} - 0,648 W_{\text{хис}}^2 - 0,353) + \Delta E_{K_3}^I (K_3 - 1,084 K_3 + 0,294), \text{ МПа} \quad (12)$$

бу ерда: $C_0 = 0,054$; $\Delta C_w^I = 0,965$; $\Delta C_{K_3}^I = 1,25$; $\varphi_0 = 27^\circ$; $\Delta \varphi_w^I = 302^\circ$; $E_0 = 62,25$;

$\Delta E_w^I = 926$ $\Delta E_{K_3}^I = 1100$ МПа мос равишда шўрланган грунтларнинг намлиги, шўрланиш миқдори ҳамда зичлаштириш коэффициентига боғлиқ бўлган коэффицентларнинг қийматлари.

Олинган ифодалар ҳақиқатдан ҳам ўрганилаётган жараёнларни керакли аниқликда ифодалай олишини билиш учун ноадекват ва «қайта тикланиш» дисперсиялари аниқланди. Бунинг учун Фишер мезони куйидаги ифода билан топилди:

$$F_p = S_{\text{АД}}^2 / S_{\text{ҚАЙ.ТИКЛ}}^2 \quad (13)$$

Аниқланган кўпчилик физик-механик хоссаларининг корреляция коэффицентларининг қийматлари келтирилган ҳолатлар учун $R = 0,87$ бўлди, бу эса тақлиф қилинаётган тенгламалар кечаётган жараёнларни керакли аниқликда ва яхши ифода этишини билдиради.

Диссертациянинг **“Шўрланган грунтларни мустаҳкамлик ва деформацион хоссаларини баҳолашда кўп марта такрорланувчи юкламани ҳисобга олишни амалий усуллари”** деб номланувчи тўртинчи бобида нобикр йўл тўшамаларини лойиҳалашда шўрланган грунтларнинг мустаҳкамлик ва деформация хоссаларини аниқлаштиришдан олинган иқтисодий самарадорликни ҳисоблашга доир мисол келтирилган.

Кўп маротаба қисқа вақт такрорланувчи юклама таъсиридаги йўл пойи шўрланган грунтларнинг аниқлаштирилган ҳисобий тавфсифлари (E_N , φ_N ва C_N) МКН 46-2008 да келтирилган E , φ ва C қийматлари билан солиштирилганда уларга нисбатан кичик эканлиги аниқланди. Шу сабабли, шўрланган грунтли худудларда нобикр йўл тўшамасини ҳисоблаш яъни, амалда қўллаш йўл тузилмаси мустаҳкамлигини талаб қилинганга нисбатан

камайишига олиб келади ва йўл тўшамасининг хизмат муддати меъёрадагидан кам бўлади.

Аниқлаштирилган ҳисобий тавсифларидан олинадиган иқтисодий самарадорликни аниқлаш учун диссертация ишида мисол келтирилган. Келтирилган ҳисоб ишларидан, диссертация ишида таклиф қилинган автомобиль йўл пойи шўрланган грунтларни аниқлаштирилган ҳисобий кўрсаткичларининг қийматларини амалда жорий қилиниши натижасида автомобиль йўллари қопламасини таъмирлараро муддатини бир неча йилга узайтирилди ва натижада 1 км йўл учун 185 млн. сўм иқтисодий самара олинди.

ХУЛОСА

“Шўрланган грунтли йўл пойи ишчи қатламининг такрорий юкламалар таъсирида ҳисобий кўрсаткичларини асослаш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Шўрланган грунтли йўл пойи ишчи қатламига қисқа вақт кўп маротаба юкламалар таъсир қилганда грунтларнинг ҳисобий кўрсаткичлари ва уларнинг ҳоссалари билан ўзаро боғлиқлигини тавсифловчи, шунингдек функционал боғлиқликлар олиш имконини берувчи чизма шакллантирилди.

2. Йўл пойи ишчи қатламига қисқа вақт кўп маротаба юкламалар таъсир қилиши натижасида шўрланган грунт зарраларнинг ўзаро туташ жойида кучланишни қисқа вақт тақсимланишини юз бериши натижасида қолдиқ деформацияни вужудга келишини тушунтириб берувчи гипотеза ишлаб чиқилди.

3. Тажриба-тадқиқот ишлари натижасида қисқа ва кўп маротаба такрорланувчи юклама таъсирида қолдиқ деформацияни йиғилиши ва уни ошиб бориш сабаблари аниқланди. Қолдиқ деформациянинг йиғилиши юкламанинг миқдорига, шўрланган грунтнинг турига, намлиги ва зичлигига боғлиқ.

4. Кўп маротаба қисқа вақт такрорланувчи юкламалар таъсирида шўрланган грунтларнинг ҳисобий кўрсаткичларини қийматлари унинг таркибидаги тузнинг турига, миқдорига, намлиги-зичлигига, юкламани қўйилиш сони ва юк миқдорига боғлиқ ҳолда статик юклама таъсиридагига нисбатан кичик эканлиги маълум бўлди.

5. Шўрланган грунтли худудларда автомобиль йўллари нобиқр йўл тўшамаларини қалинлигини ҳисоблашда мазкур диссертация тадқиқот ишларида аниқланган кўп маротаба қисқа вақт юклама таъсири натижасида олинган грунтларнинг ҳисобий кўрсаткичлари қийматларидан фойдаланиш лозим.

6. Ўтказилган тажриба-тадқиқот жараёнларида олинган синов натижалари яъни, қисқа вақт кўп маротаба юкламалар таъсирида шўрланган грунтларнинг аниқлаштирилган ҳисобий кўрсаткичлари таркибидаги туз миқдори ва тури, зичлиги ва намлиги бўйича дифференциалланди. Олинган

натижаларни амалда қўллаш учун бир қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қўшимчалар киритилди.

7. Диссертация тадқиқотларида аниқлаштирилган шўрланган грунтларнинг ҳисобий кўрсаткичларини амалда йўл тўшамасини қалинлигини ҳисоблашда жорий қилиниши натижасида автомобиль йўллари қопламасини хизмат муддати ва таъмирлараро муддати бир неча йилга узайди ва 1 км автомобиль йўл учун 185 млн. сўм иқтисодий самара олинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТРАНСПОРТНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

КАЮМОВ ДИЛШОД АБДУБАКИЕВИЧ

**ОБОСНОВАНИЕ РАСЧЕТНЫХ ХАРАКТЕРИСТИК ЗАСОЛЁННЫХ ГРУНТОВ
РАБОЧЕГО СЛОЯ ДОРОЖНОГО ПОЛОТНА ПОД ВЛИЯНИЕМ ПОДВИЖНЫХ
НАГРУЗОК**

**05.09.02 – Основания, фундаменты и подземные сооружения. Мосты и транспортные
тоннели. Дороги, метрополитены**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ
(PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.3.PhD/T1872.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте научного совета www.tstu.uz и в информационно-образовательном портале «Ziyounet» по адресу www.ziyounet.uz

Научный руководитель:	Худайкулов Рашидбек Мансуржанович доктор философии по техническим наукам, (PhD), доцент
Официальные оппоненты	Джаббаров Саидбурхан Тулаганович доктор технических наук, (DSc), профессор Расулов Рустам Хаятович доктор технических наук, (DSc), профессор
Ведущая организация	Наманганский инженерно-строительный институт

Защита диссертации состоится «5» 02 2022 г. в 12³⁰ часов на заседании Научного совета DSc.18/30.12.2019.T.09.01 при Ташкентском государственном транспортном университете. (Адрес: 100167, г. Ташкент, улица Адълходжаева, 1. Тел./факс: (998-71) 277-54-87, e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного транспортного университета (зарегистрирована № 059) (Адрес: 100167, г. Ташкент, улица Адълхожаев, 1. 1. Тел./факс: (998-71) 277-54-87, e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «21» 01 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 11 от «17» 12 2021 года).



А.А. Рискулов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

Р.М. Худайкулов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
(PhD), доцент

И.С. Садиков
Председатель Научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Проблема использования засоленных грунтов при проектировании и строительстве различных инженерных сооружений, в том числе автомобильных дорог, имеет большое значение во всем мире. Многие специалисты дорожники со всего мира, таких как Австралия, Египет, Индия, Иран, Казахстан, Мексика, Пакистан, Россия, США, Узбекистан, а также ряд европейских стран, работают над решением этой проблемы. Поэтому в большинстве странах с развитой транспортной системой изучение закономерностей изменения физико-механических свойств засоленных грунтов при многократном и кратковременном воздействии транспортного средства является актуальной задачей.

В различных развитых странах мира изучаются и проводятся научно-практические исследования по влиянию солей на физико-механические свойства грунтов, разрабатываются и совершенствуются методы определения деформационно-механических характеристик засоленных грунтов, обосновываются характеристики засоленных грунтов дорожного полотна автомобильных дорог. Результаты исследований в свою очередь, позволяют разрабатывать надежные рекомендации по проектированию, строительству и эксплуатации дорог в засоленных грунтах.

В республике, в сфере строительства, в частности в сфере строительства автомобильных дорог проводятся широкомасштабные мероприятия по разработке и внедрению в практику экономически выгодных и надежных технологий. В нашей стране особое внимание уделяется укреплению оснований дорог для комфортного и безопасного движения автомобильного транспорта, а также разработке новых методов и технологий. Эти вопросы имеют большое значение при строительстве автомобильных дорог, отвечающих международным стандартам, в районах с засоленными грунтами, а также сокращения межремонтных сроков дорог и земляного полотна, снижения стоимости ремонтных работ, а также применения экономичных технологий.

Данное диссертационное исследование направлено на повышение качества и срока службы автомобильных дорог, что предусмотрено Указом Президента Республики Узбекистан от 27 ноября 2018 г. № ПП-4035 «О мерах по внедрению передовых зарубежных методов организации работ в сфере строительства и эксплуатации автомобильных дорог»² внедрение современных инновационных технологий и материалов, используемых в дорожном строительстве, а также развитие современной дорожной сети с учетом географического местоположения страны, указанного в Указе Президента Республики Узбекистан от 9 декабря 2019 года УП-5890 «О мерах

² Постановление Президента Республики Узбекистан от 27 ноября 2018 г. № ПП-4035 «О мерах по внедрению передовых зарубежных методов организации работ в области строительства и эксплуатации автомобильных дорог»

по глубокому реформированию системы дорожного хозяйства Республики Узбекистан» является приоритетом в наращивании потенциала, строительства, реконструкции и капитального ремонта и содержания автомобильных дорог общего пользования, а также реализации задач, поставленных другими нормативными документами.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнялось в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Проблемы геологии и минералогии, сейсмологии, сейсмостойкости, гидрометеорология, безопасности и чрезвычайных ситуаций».

Степень изученности проблемы.

В настоящее время систематические исследования направлены на изучение количества и качества солей в грунтах, их влияния на устойчивость автомобильных и железных дорог, а также зданий и сооружений, их физико-механических свойств.

